

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

601 «Ички ишлар идоралари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2041-1*

Ўзбекистон Республикаси «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2009 йил 4 октябрдаги 75-сон «Ички ишлар идоралари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2041, 2009 йил 16 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 47-сон, 508-модда) иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киреди.

Вазир

А. АЗИЗОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 1 июнь,
87-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2017 йил 1 июндаги
87-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ички ишлар идоралари томонидан гиёҳвандлик
воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар
сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги
ва кўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари
билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга
ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги
буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқ номидаги ва 1-банддаги «Ички ишлар идоралари» деган сўзлар «Ички ишлар органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) номидаги «Ички ишлар идоралари» деган сўзлар «Ички ишлар органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддиманинг биринчи хатбошисидаги, 9-банднинг биринчи хатбошисидаги, 10-банднинг биринчи хатбошисидаги «ички ишлар идоралари» деган сўзлар «ички ишлар органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 4-банддаги «ички ишлар идоралари» ва «соғлиқни сақлаш идоралари» деган сўзлар тегишлича «ички ишлар органлари» ва «соғлиқни сақлаш органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 6-банддаги «ички ишлар идораларининг» ва «ички ишлар идоралари» деган сўзлар тегишлича «ички ишлар органларининг» ва «ички ишлар органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 7-банд ва 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

е) 8-банддаги «соғлиқни сақлаш идоралари» деган сўзлар «соғлиқни сақлаш органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 12-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Текширув натижалари бўйича ички ишлар органлари томонидан юридик шахсларга аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилиши мумкин. Юридик шахслар томонидан ушбу кўрсатмалар устидан шикоят келтирилиши уларнинг бажарилишини тўхтатиб қўймайди, шикоятлар судга берилган ҳоллар бундан мустасно»;

з) 13-банддаги ва 14-банднинг биринчи хатбошидаги «ички ишлар идораси» деган сўзлар «ички ишлар органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 15-банддаги «ички ишлар идораларининг» деган сўзлар «ички ишлар органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Низомнинг 2-илловаси мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2017 йил 30 май

«Ички ишлар идоралари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жихозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жихозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ва хоналарни текшириш ДАЛОЛАТНОМАСИ

20___ йил «___» _____
(шаҳар, аҳоли турар жойининг номи)

Мен (бизлар), _____
(ички ишлар органлари ходим(лар)ининг лавозими, унвони, фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ (юрidik шахс раҳбари (унинг вакили)нинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ иштирокида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган жой текшириб чиқилди _____
(ГППларни сақловчи юрidik шахсининг номи)

_____ (ГППларни сақлаш фаолияти амалга оширилаётган манзил)

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Текширув давомида қуйидагилар аниқланди:

1. Объектнинг тоифаси ва тури _____

(объектнинг тоифаси — I, II, III; тури — завод, база, омборхона,

дорихона базаси, дорихона, лаборатория, бўлим, тиббиёт пункти, бошқа тиббиёт муассасаси)

2. Ташкилот (омборхона, база) худудининг ҳолати _____

(фақат I-тоифадаги объектларга тўлдирилади:

худуднинг яроқлилиги, техник ҳолати ва ёритилиши; ўтиш тақиқланган худуднинг кенглиги,

жихозланиши ва ундан фойдаланиш тартиби; кириш (ички) темир йўлларининг ҳолати; ёнғинга қарши сув

манбалари ва яшин қайтарувчи ускуналарнинг мавжудлиги ва ҳолати, омборхоналар оралиғида ўзаро ҳамда

омбор иншоотлари ва алоҳида бинолар ўртасида белгиланган ёнғинга қарши масофаларга риюя этилиши, ва х. к.)

3. Тўсиқларнинг ҳолати: _____

(фақат I-тоифадаги объектларга тўлдирилади:

тўсиқларнинг тури ва баландлиги, белгиланган талабларга мувофиқлиги (мувофиқ эмаслиги),

тешиклар, ўпиришлар, осилиб қолишлар ва х. к. камчиликлар мавжудлиги)

4. Ёритилиш ҳолати: _____

(тўғри ва тўлиқ ёритилганлиги, ёритиш манбаларининг етарлилиги ва созлиги)

5. Қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламаларининг (ҚЁҚСМ) мавжудлиги ва ҳолати: _____

(ҚЁҚСМларнинг тури — шовкинли, нурли-шовкинли, автоном, датчиклари ички ишлар органининг қўриқлаш

пунктига, қўриқлаш постига ёки мансабдор шахсга уланганлиги, объект 1-чи ва 2-чи рубежларда ҚЁҚСМ

билан жихозланганлиги, ҚЁҚСМларнинг ҳолати — соз, носоз, кабелларни ўтказиш усули — хуфиёна, очик)

6. ГППларни сақлаш шароитлари: _____

(алоҳида (умумий) хонада, хонанинг жойлашуви,

деворлар, пол ва шипнинг ўрнатилган талабларга мувофиқлиги,

деразалар металл панжаралар билан химояланганлиги, улар ўрнатилган талабларга мувофиқлиги)

7. Эшикларнинг ҳолати: асосий _____

(эшик ишланган материал, унинг техник мустаҳкамлиги,

кулфлар етарлилиги ва ишончлилиги)

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

кўшимча (панжарали) _____
(эшик ишланган материал, унинг техник мустаҳкамлиги,

кулфлар етарлиги ва ишончилиги)

8. Металл кути (сейф, шкаф)лар мавжудлиги ва ҳолати: _____
(кути (сейф, шкаф)ларнинг

етарлиги, ишончилиги ва техник мустаҳкамлиги, кулфларнинг етарлиги ва ишончилиги)

9. ГППларни сақлаш тартиби: _____
(металл кути (сейф, шкаф)лар ичида сақланиши ташкил этилганлиги,

улар ишдан ташқари вақтда мухрланиши)

10. Қўриқлаш ҳолати: _____
(қўриқлаш тури, постлар сони ва етарлиги, қуролланиши,

қўриқлаш хизматининг иш тартиби, постлар орасида алоқа воситалари мавжудлиги, созлиги ва х. к.)

11. Аввалги текширув(лар) натижасида аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилганлиги: _____
(охирги текширув(лар) ким томонидан ва қачон амалга оширилган, аниқланган қоидабузарликлар,

уларни бартараф этиш даражаси, далолатномада белгиланган муддатларда бартараф этилганлиги)

12. ГППларни сақлашда аниқланган қоидабузарликлар ва уларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар:

Т/р	Аниқланган қоидабузарликлар	Аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар	Ижро муддати

Имзолар: _____ (имзо) _____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ (имзо) _____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

Далолатнома нусхасини олдим: _____ (имзо) _____ (фамилияси, исми, отасининг исми)».